

Ота-онанинг фарзандларга ибрат бўлиши



11:02 / 16.07.2020 3181

Ота-онанинг ўзлари тарбияда намуна бўлсалар, бу фарзандлар тарбиясида самарали бўлиб, уларнинг қалбларига ижобий таъсир қилади. Зеро, гўдак, чақалоқ, бола ота-онасига тақлид қилади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?» дедилар.

Сўнгра Абу Ҳурайра «Агар хоҳласангиз: «(Бу) Аллоҳ одамларни яратган асл фитратдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас.

Ушбу тўғри диндир», деган оятни ўқинг», дер эди».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ота-онани фарзандлари билан муомалада ростгўй бўлишга, ростгўйликда уларга чиройли ибрат бўлишга чорлаганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Ким бир гўдак болага «Мана буни ол», деса-ю, ҳеч нарса бермаса, у одам ёлғончи бўлади»,** дейдилар.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда эса Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу қуйидагиларни келтирадилар:

«Бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам уйимизда ўтирганларида онам мени чақириб:

«Бери кел, бир нарса бераман», деди.

Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга:

«Нима бермоқчи эдинг?» дедилар.

«Хурмо бермоқчи эдим», деди.

Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга:

«Агар унга ҳеч нарса бермаганингда сенга ёлғон ёзилар эди», дедилар».

Болалар катталарнинг ҳаракатларига назар солиб турадилар ва уларга тақлид қиладилар. Ота-онасининг рост гапираётганини кўрган фарзанд ростгўй бўлиб ўсади. Бошқа хулқлар борасида ҳам шундай.

Кичкина Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо тун намозига турган кишини кўриб, ўзлари ҳам ўша кишининг ортларидан намозга турадилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Холам Маймунаникида ётиб қолдим. Бас, Набий соллalloҳу алайҳи васаллам туриб, ҳожатга бориб келдилар. Сўнг юзлари ва икки қўлларини ювиб, яна ётиб, ухладилар.

Кейин туриб, мешнинг олдига келдилар ва унинг боғичини ечдилар. Сўнг ўртача бир таҳорат қилдилар. Сувни исроф қилмасдан, етказиб қилдилар. Сўнг намоз ўқидилар.

Мен ҳам туриб, У зотни кузатаётганимни билдирмасдан, оёқ учида юриб бориб, таҳорат қилдим. У зот намоз ўқирдилар. Мен бориб чап томонларига турдим. У зот қўлимдан ушлаб, айлантриб, ўнг томонларига турфаздилар.

Намоз ўн уч ракатла мукамал бўлди...».

Имом Бухорий ривоятлари.

Бола Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳорат олаётганларини кўриб, таҳорат олди-да, у зоти бобаракот билан бирга намоз ўқиди. Уйдаги ота-оналар, катталарнинг ўзлари чиройли ибрат бўлишлари ёш болалар қалбига, ахлоқига мана шундай таъсир қилади.

Фарзанд ота-онасининг ҳаракатлари, гап-сўзлари, юриш-туришлари, ахлоқларини кузатиб, улардан баъзи нарсаларни сўрайди, «Фалон ишни нега қилдингиз?», «Фалон гапни нима учун гапиряпсиз?» каби саволларни беради. Агар ота-онанинг қилаётган иши, айтаётган гапи яхши бўлса, яхши. Акс ҳолда, улар фарзандларига нима деб жавоб беришади?

Абдуллоҳ ибн Абу Бакра раҳимаҳуллоҳ отасининг дуо қилишини кузатиб турди-да, отасидан ўша дуо ҳақида сўради. Отаси қилаётган дуоси ҳақида боласига тушунча берди.

Имом Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ Абдуллоҳ ибн Абу Бакра раҳимаҳуллоҳдан ривоят қиладилар:

«Отамга »Отажон, ҳар куни эрталаб «Аллоҳумма ўаафиний фий самъий, Аллоҳумма ўаафиний фий басарий ва лаа илааҳа илла анта» деб айтаётганингизни эшитаман. Уларни тонг отганда ва кеч кирганда уч мартадан такрорлайсиз» дедим.

Шунда у киши: «Болажоним, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўша дуолар ила дуо қилаётганларини эшитганман. Шунинг учун у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишни яхши кўраман» дедилар».

Ота-она Аллоҳ таолонинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини ҳаётга татбиқ этишлари ва имкон қадар амалларини зиёда қилиб боришлари талаб этилади. Чунки фарзандлари уларни эртаю кеч

кузатиб туришади. Болаларнинг кўрган-эшитган нарсаларини илиб олиб, ўзларига сингдириш қобилиятлари биз ўйлаганимиздан анча кучли бўлади. Биз бўлсак «Улар ҳали кичик, ҳеч нарсани идрок қилолмайди, англамайди» деб ўйлаймиз.

Муҳаммад Нур Сувайднинг «Болани набавий тарбия қилиш йўли» китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси